

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Бутунов Дилмурод Баходирович**

Тошкент давлат транспорт университети доценти, PhD

[dilmurodpgups@mail.ru](mailto:dilmurodpgups@mail.ru)

**Эргашев Бахромжон Олимжон ўғли**

Тошкент давлат транспорт университети 1-босқич магистранти

[bahrom.ergashev.98@inbox.ru](mailto:bahrom.ergashev.98@inbox.ru)

**Бахритдинов Умиджон Урманович**

Тошкент давлат транспорт университети 1-босқич магистранти

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг транспорт турлари бўйича йўловчи айланмаси улуши 2014-2020 йиллар кесимида кесимида таҳлил қилинди. Темир йўл транспорти орқали йўловчи ташишдаги мавжуд муаммолар ўрганилди ва схематик кўринишда ифодаланди. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш жараёнларини янада такомиллаштириши учун соҳага логистика тамоилларини жорий этиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.*

**Калит сўзлар:** *темир йўл транспорти, йўловчи ташиш, йўловчи оқимлари, хизмат кўрсатиш, логистика.*

### IMPROVEMENT OF PASSENGER SERVICE PROCESSES IN RAIL TRANSPORT ABSTRACT

*This article analyzes the share of passenger turnover of the Republic of Uzbekistan by mode of transport in 2014-2020. Existing problems in passenger transportation by rail were studied and represented schematically. To further improve the process of passenger transportation by rail, proposals have been developed for the introduction of logistics principles in the industry.*

**Keywords:** *railway transport, passenger traffic, passenger flows, service, logistics.*

### КИРИШ

Ҳозирги кунда юк ва йўловчи ташишда логистика тамоилларини қўллаган ҳолда мижозларга хизмат кўрсатиш кундан-кунга ривожланиб бормоқда [1-6].

Жумладан, темир йўл транспорти орқали йўловчи ташишда ва уларга турли хизматларни кўрсатиш (таклиф этиш)да логистика тамоилларини қўллашда, йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилишда йўловчи оқимлари параметрларини ўрганиш, уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, ушбу жараёнларни самарали ташкил этиш каби кўплаб омилларни ҳисобга олиш лозим. Уларнинг ҳар бири алоҳида ёндошув ва комплекс ҳал этишни тақозо этади. Шунинг учун йўловчи ташиш бўйича транспорт бозорида самарали натижаларга эришишда темир йўл транспорти рақобатбардош тарифлар ва логистика тамоилларини жорий қилиш орқали тизимни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Темир йўл транспорти орқали йўловчи ташишда логистика тамоилларини қўллаш учун йўловчиларни энг кам сарф ҳаражатлар ва сифатли хизмат кўрсатиш билан ташиш асосида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ташиш жараёнларини амалга оширишда муқобил режалар тузган ҳолда кам вақт сарфлаш, транспорт турларидан тўғри фойдаланиш ҳамда барча жараёнларни бошидан охиригача назоратга олиш муҳимдир.

Темир йўл транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини логистика тамоилларини қўллаган ҳолда такомиллаштириш учун [5, 6] га асосан барча транспорт турлари бўйича йўловчи айланмаси таҳлил қилинди ва натижаси 1-расмда келтирилди.




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2014-2020 йилларда транспорт турлари бўйича ташилган йўловчилар айланмаси улуши**

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ҳажми 7 йил давомида ўртача 20 фоизга ўсаётганлигини, транспорт турлари бўйича эса, темир йўл транспортида ўртача 21 фоизга, автомобиль транспортида ўртача 23 фоизга, метрополитенда 2 барабар миқдорида, ҳаво йўлларида эса 40 фоизга ортаётганлигини, транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ҳажми 7 йил мобайнида энг кўпи автомобиль транспортида, энг ками темир йўл транспортига тўғри келмоқда.

Темир йўл транспорти орқали ташилган йўловчилар тўғрисида маълумот 2- а) ва б)-расмларда келтирилди.

а)



б)



**2- расм. Темир йўл транспортида 2014-2020- йилларда ташилган йўловчи айланмаси**


Амалга оширилган таҳлил натижалари бўйича ва [3, 7-9] илмий ишлар асосида йўловчи ташишга саълбий таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди (3-расм).



**3-расм. Темир йўл транспорти орқали йўловчи йўловчи ташишдаги мавжуд муаммолар**

Темир йўл транспорти орқали йўловчи ташишда юзага келаётган муаммоларни ўрганган ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш кераклиги аниқланди:

– аҳоли ўртасида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш [4] (мисол учун турли хил сўровномалар *(1. Сиз нима учун темир йўл транспортдан фойдаланишни маъқул кўрасиз (4-расм)? 2. Темир йўл транспортнинг қандай хусусиятлари сизга ёқмайди, қандай қулайликлар яратилишини ҳохлардингиз? 3. Йўловчи ташишда темир йўл транспортнинг бошқа транспорт турларига нисбатан камчилиги ва афзаллиги. 4. ва ҳ.к.)* ўтказиш);



**4-расм. Сўровнома**

- ташишга бўлган хизматларни жорий этиш (*текин автотураргоҳлар яратиш, чипта сотиш тизимларини замонавийлаштириш, ва ҳ.к.*);
- йўловчи поезде таркибини борадиган манзилларга мос равишда жиҳозлаш;
- йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатиш тизимини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;
- йўловчи поездида интернет хизматларини ташкил этиш;
- йўловчи оқимлари параметрларини башорат қилиш усулини такомиллаштириш;
- аҳоли гавжум жойларда, вокзал ва аэропортларга туташ ҳудудларда алоҳида йўналишсиз такси тўхташ жойларини ташкил қилиш;
- мунтазам йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик учун қулай бўлган субсияда ажратиш;
- йўловчи ташишда логистика тамоилларини жорий этиш [3] (эшикдан-эшикгача ташиш) ва ҳ.к.

Транспортда йўловчи ташиш узлуксиз жараён бўлганлиги учун йўловчилар оқими кўрсаткичлари, йўловчиларнинг талаблари, иқтисодий шароитларнинг ўзгариши ва техник имкониятларнинг ривожланишидан келиб чиққан ҳолда, мунтазам равишда юқорида тавсия этилаётган таклифларни такомиллаштириб бориш лозим ҳисобланади.

### **ХУЛОСА**

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан транспортни бошқаришнинг ягона логистик тизими доирасида логистика ва маркетинг усулларини синтез қилиш билан амалга ошириш кераклигини кўрсатди.

Тўпланган маркетинг маълумотларини талаб параметрлари бўйича амалга ошириб борилишини таъминлаш, замонавий технологияларни жорий қилиш ва уларни амалиётда қўллай олиш учун шу соҳада фаолият олиб бораётган таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Темир йўл транспортида йўловчи ташишни такомиллаштириш бўйича тавсия этилаётган таклифлар йўловчи ташиш бошқарув тизимини такомиллаштириш, замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришлари ҳамда шулар асосида хизматлар бажаришни таъминлаш орқали йўловчи ташиш тармоғини сезиларли даражада ривожланиш имкониятини яратади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4143-сон қарори.
2. Transport infrastructure, investment and economic development, Logistics and Transportation Review, Gillen, D & Waters, vol (32)
3. Butunov, D. B., Shukurov, M. S. O. G. L., Pardayeva, U. N., & Bo‘Riyev, S. X. O. G. L. (2022). YO ‘LOVCHILARGA CHIPTA SOTISH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(4), 677-684. (<https://cyberleninka.ru/article/n/yo-lovchilarga-chipta-sotish-jarayonini-takomillashtirish>)
4. Мельник Т.С. Направления и виды маркетинговых исследований в сфере пассажирских перевозок с учетом транспортного сообщения. Вестник Белорусского государственного университета транспорта: Наука и транспорт. - 2017. №1, 102 с.
5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг маълумотлари.
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
7. Butunov, Dilmurod Baxodirovich; Aripov, Nodir Kodirovich; and Bashirova, Alfiya Mirkhatimovna (2020) “Systematization of factors influencing during processing of wagons at the sorting station” Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers: Vol. 16: Iss. 2, Article 10. (<https://uzjournals.edu.uz/tashiit/vol16/iss2/10/>)
8. Abdukodirov, S.A., & Butunov, D.B. (2021). Factors affecting the speed of movement of trains on railway stations. Academic research in educational sciences, 2(9), 467-473. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-467-473>
9. Butunov, D.B. (2020) “Substantiation of the input of the parameters of the unprofitable loss of time when norming the time of the duration of the wagons on the sorting station” Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers: Vol. 16: Iss. 3, Article 16. <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1191&context=tashiit>)